

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро
илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва
истикболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари**

ТЎПЛАМИ

Бухоро - 2021

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет

Масъул муҳаррирлар:

Менглиев Баҳтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна – филология фанлари доктори, доцент

Таҳрир ҳайъати:

О.М.Файзуллаев, М.Б.Аҳмедова, Н.Б. Атабоев, Ж.И.Мизрабова,
З.Т.Сафарова, З.Р.Собирова, З.Ф.Рўзимуродова, У.С.Тоирова

Такризчилар:

Бақоева Муҳаббат Қаюмовна – ф.ф.д., профессор

Қаршибаева Улжан Давировна – ф.ф.д., профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпламда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳавола этилаётган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.

12. Собирова З. ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТЕРМИНОЛОГИК ТАРЖИМАНИНГ БАЪЗИДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАРИ (СПОРТ ТУРИЗМИ ТЕРМИНЛАРИ МИСОЛИДА) //МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 459-461.
13. Собирова З. ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАР //МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 462-464.
14. Jumayev, Akmal Akhmatovich (2021) "THE IMAGE OF THE CROW IN THE GERMAN AND UZBEK PEOPLES," Scientific reports of Bukhara State University: Vol. 5 : Iss. 1 , Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol5/iss1/7>

ARTISTIC INTERPRETATION OF RELIGIOUS VIEWS RELATED TO BIRD FEATHER IN UZBEK AND GERMAN FAIRY TALES.

A.A. Jumayev
BSU, teacher of German and
French languages department

Abstract: The article focuses on the role of birds in Uzbek and German folk tales. At the same time, provides a comparative analysis of the religious views of the two peoples regarding bird feathers.

Keywords: fairy tale, myth, bird feather, wing, griffin, qaqnus, magical feature.

Кириш. Эртақ, афсона ва хикоятларда хайвон, қуш ва денгиз жониворларининг тана аъзоларининг кичкина бир бўлагининг эртақ қахрамонига берилиши оқибатида эртақ қахрамонларининг хайвон, қуш ва денгиз жониворларига ҳукмронлик қилиш ваколатига эга бўлишади. Эътибор қаратмоқчи бўлганимиз эртақларда қуш патининг ифодаланиши. Хайвонлар ва денгиз жониворлари каби қушлар ҳам тана аъзоларининг бир парчасини эпик қахрамонга бериши орқали унинг бир ёки бир неча шартларини бажаришини, истакларини амалга оширишини шу билан бирга унинг муроду-мақсадига етишишига ёрдамчи бўлишишган.

Қанот ё патдаги камалакка ўхшаш ранглар жилоса, унинг майинлиги ва ёқимлилигига кишиларнинг махлиё бўлиши эртақларда уни турлича талқин қилинишига сабаб бўлиб, унга магик хусусиятга эга деган деган қарашлар ҳам вужудга келган.

Профессор Маматқул Жўраев “Миф, Фольклор ва адабиёт” китобида сеҳрли пат билан алоқадор эпик мотивлар хусусида фикрлари ва илмий мулоҳазаларини билдирган.

М.Жўраевнинг фикрига кўра, ўзбек халқ эртақларида магик хусусиятга эга бўлган сеҳрли ашёлардан бири сифатида қўлланилган қуш пати деталли анъанавий поэтик тимсоллардан бири бўлиб, эпик қахрамонга кўмаклашувчи хомий кучларга алоқадор мифологик тасаввурларни ўзида акс эттирганлиги билан характерланади. Эпик қахрамонга қиёфасини ўзгартиш, инсон тилида гапира билиш хусусиятларига

эга сеҳрли кушнинг патида ҳам магик куч борлиги, уни тутатганда пайдо бўлиши, халқ эртакларига хос характерли жиҳатлардан бири.

Этиқодий қарашлари турлича бўлсада, ўзбек ва немис эртакларида мазмунан бир-бирига яқин эртаклар бор. Шу билан бирга эртак қаҳрамонлари тақдиридаги ўхшашликлар ҳам ўхшаб кетади. Ўзбек халқ эртаги “Бўлбултгўё” ва Ака-ука Гриммларнинг “Der Goldene Vogel” эртагига эътибор қаратсак, ҳар иккисиди ҳам саройдаги дарахт меваси ёки баргини тунда бир қуш олиб кетиши, бу қушга берилган таъриф, унинг қанотига берилган баҳо бир-бирига ўхшаб кетади.

Бир подшоҳликда етти йилда бунёд этилган танаси ёқутдан, шохчалари зумраддан, барглари забаржаддан бўлган чинор дарахтининг баргини олиб кетган қушнинг бир дона қаноти кўрган шох, уни давлатининг етти йиллик бож-хирожи билан тенлаштиради. Ўзбек халқ эртаги “Бўлбултгўё”да қуш қаноти ёки патининг бундай тарзда ифодаланиши ва унга қимматбаҳо буюм тарзида мурожаот қилиниши эртакларда қуш култига алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Шундай таърифни . “Der Goldene Vogel” эртагида ҳам ўқишимиз мумкин.

“Als es zwölf schlug, so rauschte etwas durch die Luft, und er sah im Mondschein einen Vogel daherfliegen, dessen Gefieder ganz von Gold glänzte.” (Мазмуни: Тун ярмига етганда осмонда нимадир шитирлаб қолди. Шунда кенжа шаҳзода дарахт тепасида патлари ой нурида олтиндай ярқираётган қушни кўриб қолибди.)

Тунда содир бўлган воқеани кенжа шаҳзода қиролга айтиб, қўлидаги бир дона қуш қанотини ҳам берганда қиролнинг айтган сўзлари қушқанотининг қанчалар қийматли эканини кўрсатади.

“Ist die Feder so kostbar” erklärte der König, “so hilft mir die eine auch nichts, sondern ich will und muss den ganzen Vogel haben”. (Мазмуни: Қиролнинг кенжа ўғли олиб келган қуш патининг гўзал ва бебаҳо эканлигини кўрган қирол, фақатгина қуш патига эмас, балки қушнинг ўзига ҳам эғалик қилишни истади).

Қушларнинг пати эртакларда хосиятли деб таърифланиб эпик қаҳрамон мушкул вазитда қолса, ёки қушнинг кўмагига эҳтиёж сезса унинг ёнида пайдо бўлиши учун патини куйдириши ёки тутатиши кераклиги баён қилиниши ҳам қуш патининг магик хусусиятга эга деган эътиқодий қарашлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. “Зар қокилли йигит”, “Тулиқаҳқаҳ” эртакларидаги қуш, ўз халоскорларига миннатдорчилик эвазига патидан бериши ва зарурат бўлганда патни ўтга ташласа ёки куйдирса қушнинг қаерда бўлмасин пайдо бўлиши патда магик куч борлигини ҳамда эртак қаҳрамонининг қушга ҳукмронлик вақолатига эга бўлганлигидан далолат беради.

Асосий қисм. М.И. Афзалов “Ўзбек халқ эртаклари ҳақида” асарида фольклор архиви маълумотларидан фойдалиниб, “Ойнай Жаҳоннома ” эртагида Мурғуфармон қушининг парининг магик хосияти баён этилган парчани келтирган. Ушбу эртакда ҳам қуш пати оловга тутилганда қушнинг пайдо бўлишини кўришимиз мумкин. “Мурғуфармон ўз паридан тишлаб, битта юлади ва Қиронга: – Бу парни белиннга маҳкам боғлагин, сақлагин, дунёда сенга бир одамдан шикаст етса, чақ этиб чақмоқни чаққин, алангасини баланд ёққин. Қунчиқарда сен бўлсанг, қунботарда мен бўлсам, паримга аланганинг иссиғи ўтса, кўзни юмиб очгунча

олдингда ҳозир бўлгайман.” Ушбу эртақларда куш култи, куш пати билан боғлиқ эътиқодий қарашларлигини кўришимиз мумкин.

“Гул Санобарга нима қилди, Санобар Гулга нима қилди?” номли ўзбек халқ эртагида ҳам эртақ қаҳрамони бургут ёрдамида унга берилган шартларни бажариб, эртақ якунида бир сиқим патидан олиб қолганини кўришимиз мумкин. Гарчанд эртақ якунида барча шартлар бажарилган бўлсада, бургутнинг бир сиқим патидан олиниши, ҳали яна унга эҳтиёж сезилиши мумкинлигидан ва бу эса янги бир эртақнинг, янги саргузаштнинг ҳикоя қилинишига ишора дея таъбир қилишга асос бўла олади.

Айрим немис эртақларида куш пати бош кийим беаги, шу билан бирга давлатмандликка ишораси мотивларида қўлланилган. Сеҳрли ёки мифологик кушларнинг қанотлари қўлга киритиш имкони бўлмаган топилмас, қимматбаҳо буюм сифатида ифодаланган. Ёхан Вилхелм Волфнинг „Der Jüngling im Feuer und die drei goldene Federn“ эртаги ва Ака-ука Гриммларнинг „Der Vogel Greif“ эртаги бош ғояси соф муҳаббат, ростгўйлик, ишонч ҳақида бўлиб эртақ воқеалари бир-бирига ўхшамайди. Лекин ҳар икки эртақда ҳам эпик қаҳрамонларга грифоннинг уч дона олтин патидан олиб келгандагина севган қизига уйланиши ва муродига етишиши мумкин дейилган шарт қўйилади. „Der Jüngling im Feuer und die drei goldene Federn“ эртагида:

„Ich will euch Beide in Gottesnamen zusammengeben, zuvor mußt du mir aber drei goldne Federn vom Vogel Greif holen.“ (Мазмуни. Грифоннинг уч дона олтин патидан келтирганларингдагинатўйларингизгарози бўламан).

„Der Vogel Greif“ эртагида ушбу шартқуйидагича:

„Er wollte ihm die Tochter aber immer noch nicht geben und sagte, er müsse ihm erst eine Feder aus dem Schwanz des Vogel Greif bringen“.

(Мазмуни. Қирол қизини Ҳансга турмушга чиқишини хоҳламаганлиги учун, грифон думининг патидан олиб келишни, шундан кейин розилик билдиришини айтади).

Эртақларда яна бир ўхшашликни кузатиш мумкин. Грифонни қидириб бораётганда эртақ қаҳрамонларига учраган кишилар, у ёки бу ишда кушдан маслаҳат сўрашни тайинлашади. Вилхелм Волфнинг „Der Jüngling im Feuer und die drei goldene Federn“ эртагида грифон уч қироллик ва катта денгиз ортида яшайди дейилган. Ва эртақ қаҳрамонига шу уч қироллик подшоҳлари грифондан у ёки бу вазиятдан чиқиш йўлини сўраб келишни айтишади. Грифоннинг йиртқич қушлиги, унинг патидан олиш имконсиз бўлсада эртақ қаҳрамонлари қушнинг жуфти ёрдамида саволларига жавоб бера олиши ва патларидан олишга муваффақ бўлганини кўрамиз. Эртақ қаҳрамонининг довораклиги, тўғрисўзлиги, меҳрибонлиги учун грифоннинг жуфти унга ўз ёрдамини аямаган бўлсада, бунинг замирида оддий халқ орзу-умидлари, муҳаббатга, садоқатга ва бахтли ҳаёт кечиршига бўлган ишончлари борлигини билдиради.

Ака-ука Гриммларнинг 1812 йилда нашр қилинган „Kinder und Hausmärchen“ эртақлар китоби биринчи томида „Vogel Phönix“ (Қақнус) эртагида ҳам уч дона

куш пати келтирилиши шартни бадният киши томонидан ёмон мақсадда қўйилиб, эртақ қаҳрамонининг ушбу шартни бажара олмаслиги тахмин қилсада, эртақ хайрли яқун топиши, эртақларда эзгуликнинг қўли баланд келишини ва халқнинг бунга ишониб яшашининг яна бир исботи бўла олади.

Немис эртақларида куш патига давлат мотиви сифатида ҳам мурожаат қилинади. Людвиг Бехштайннинг „Die drei Federn“ (Маъноси. Уч пат) эртаги эпик қаҳрамони Ҳайнрих чўкинтирган отаси совға қилган отни миниб саргузашт излаб йўлга чиқади. Ўрмонда чиройли рангларда товланаётган патни кўриб қолади. Уни олиб бош кийимига тақмоқчи бўлганида, от тилга кириб унга патни олмаслигини айтади. Отнинг тилга кирганидан бадани жимирлаб кетган Ҳайнрих ҳамроҳининг маслаҳатига амал қилади. Ҳайнрих йўлда давом этиб сой бўйида олдингисидан чиройли товланган патни кўрсада, уни ҳам отнинг гапига кириб олмайди. Ниҳоят тоғ тапасида учратган олдингиларидан-да чиройли патни отдан тушиб уни маслаҳатига кулоқ солмай оладида, бош кийимига тақади. Йўлда кетаётиб бир шаҳарга кирганларида бу шаҳар аҳолиси уни эҳтиром билан кутиб олиб, шаҳарнинг ёши улуғ кишилари унга қироллик тожини кийдиришади.

Эртақда эпик қаҳрамоннинг йўлда учратган патларининг ҳар бири ўзгача хусусиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Жумладан биринчи учратган патни олганда у граф унвонига, иккинчи патни олганда эса герцог унвонига сазовор бўлар эди. Учинчи патни олмай йўлда давом этганда эди, шунда олдидан тўртинчи пат чиқарди ва от унга шу патни олишни айтганда, Ҳайнрих шаҳар кироли эмас, кудратли император бўлиши мумкин эди.

Эътибор қаратсак немис эртақларида ҳам бир хил ном билан ёзилган эртақлар мазмун жиҳатидан бир биридан фарқ қилишини кўрамиз. Ака-ука Гриммларнинг „Die drei Federn“ (Маъноси. Уч пат) эртаги воқеалари Людвиг Бехштайннинг худди шу ном билан ёзилган эртагидан мазмунан фарқ қилади.

Людвиг Бехштайн ёзган эртақда куш патига давлатга, мансабга етиштирувчи мотив сифатида қаралган. Ака-ука Гриммларнинг эртагида патга адолат мезонини яратувчи бир восита ўрнида мурожаат қилинган.

Ака-ука Гриммларнинг халқ тилидан ўзиб олган „Die drei Federn“ эртагининг мазмуни қуйидагича. Кексайиб қолган қирол ўғилларига турли шартларни қўйиб, шу шартларни бажаришда кимнинг қайси томонга боришини аниқлаш учун уч патни пуфлаб учиради. Шунда отасининг шартларни бажариш учун бир ўғли қиролликнинг ўнг томонига, иккинчи ўғли чап томонга, кенжа ўғли тўғрига боришади.

“Fitchers Vogel” эртагида Ака-ука Гриммлар куш патларини, сеҳр йўли билан эмас, ақлни ишга солиб ёвуз сеҳргардан, ўзини ва опаларини ҳамда бошқа сеҳрланганларни қутқаришдаги ҳимояланувчи восита ўрнида қўлланилганини кўрамиз. Ўрмон четида яшайдиган ёвуз сеҳргар тиланчи киёфасига кириб, унга садақа ёки егулик берган қизларни сеҳрлаб ўғирлаб кетади. Кунларнинг бирида у уч кизи бор бир кишининг уйи олдида садақа сўраб келганида опа-сингилларнинг каттаси унга нон олиб чиқиб берадида, сеҳргарнинг макрига алданиб қолади. Шу тариқа опа-сингилларнинг иккинчиси ҳам сеҳргарнинг макрига алданади. Ниҳоят

опа-сингилларнинг кенжаси сеҳргарнинг сирини билиб қолиб ундан кутулиш чораларини излайди. Ҳийла ва аклини ишга солиб опалари ёрдамида ўзини ва бошқаларни кутқаради. Бунда эртақ қахрамони никоҳ қунида асал солинган идишга кириб чиқади. Шундан сўнг пар тўшакни ёриб, парга беланиб оладида, макр билан ёвуз сеҳргар ва унинг қариндошларини ўзларининг уйларида ёқиб юборади. Ушбу эртақнинг ҳам хайрли яқунланишида муаллифлар қуш патидан ёрдамчи сифатида фойдаланишган.

Ака-ука Гриммларнинг “Die drei Schwester” ва 1735-1787 йилларда яшаб ижод этган немис ёзувчиси Ёҳан Карл Аугуст Музеуснинг “Die Bücher der Chronika der drei Schwestern” номли эртаги номланиши бошқа-бошқа бўлсада, уларда воқеалар бир-бирини такрорлайди. Иккала эртақда ҳам эпик қахрамон Райналдга мушкул вазиятда қолганда ёрдамга келиши учун айиқ жунидан уч тола, бургут уч дона патидан ва наҳангбалиқ эса дона тангачасидан беришади. Нафакат эртақларда, балки бошқа адабий жанрлар воқеалари ривожидида бўлгани каби тақдим этилган тук, пат ва шунга ўхшаш буюмлардан фойдаланилиб асарлар бадиий савияси бойитилади. Ушбу эртақда ҳам хайвонлар, қушлар ва денгиз жониворларининг тана аъзолари, жумладан тук, пат ва тангачалардан бир ёки бир неча донаси мушкул вазиятда ишқаланса ёрдамга келиши воқеалари ҳикоя қилинади.

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, табиатда ҳар бир нарса бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Ҳаётда ҳам қуш патидан ёш болалар дўпписи ва аёллар бош кийимига безак ўрнида фойдаланишади. Қолаверса тарихда ҳам шоҳ ва султонларнинг бош кийимида ҳамда подшоҳ оиласи аъзоларининг бош кийимларида ҳам безак сифати фойдаланилган. Қушларнинг кишиларга ҳомийлик қилиши, уларнинг осмону-фалакка уча олиши, инсонларнинг ҳам қушлар каби учирни орзу қилишларини ўзида акс эттириши шу билан бирга эртақларда қуш патига магик кучга эга деган қарашлар халқларнинг эътиқодларида ҳам ўхшашликлар борлигидан далолат беради. Зеро эртақлар халқларнинг орзулари ва истакларининг бир кўриниши.

Адабиётлар:

1. O'zbek mifologiyasi. D. O'rayeva, Mamatqul Jo'rayev. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi grifi bilan universitetlarning 5120100 – Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili) bakalavr ta'lim yo'nalishining 4-kurs talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. – T.: Navro'z, 2019.
2. O'zbek xalq ertaklari. K. II. / Tuzuvchilar: M.Afzalov, X.Rasulov, Z.Husainova. – T.: “O'qituvchi” NMIU, 2007.
3. Nemischa-o'zbekcha lug'at [Matn] / A.A. To'laganov [va boshq.]. – Buxoro: “Sadridin Salim Buxoriy” Durdoni nashriyoti, 2008. – 812 b.
4. Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида (масъул муҳаррир филология фан канд. М. Саидов). Т., “Ўзфаннашр”, 1964.
5. Етти оққуш: Олмон халқ эртақлари: Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун. (Олмон тилидан Х. Рахимов ва Ш.Салимов тарж.; Таҳрир ҳайъати: Э. Воҳидов ва бошқ.). –Т.: Чўлпон, 1990. –304 б

6. Миф, Фольклор ва адабиёт/ Маматкул Жўраев. Манзура Нарзикулова. – Т. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. — 184 б.
7. Олтин бешик: Эртақлар / Редкол.: С. Азимов ва бошқ. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 256 б. – (Ўзбек халқ ижоди: кўп томлик.)
8. Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm.Band I. – Berlin “Der Kinderbuchverlag”, 1961.
9. Kinder-und Hausmärchen der Brüder Grimm.Band II. – Berlin “Der Kinderbuchverlag”, 1961.
- 10.Собирова З. Р. ЎЗБЕК САЙЁҲЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМАСИДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ МУАММОЛАР //Сўз санъати халқаро журнали. – 2020. – Т. 5. – №. 3.
- 11.Zarnigor S. UDC: 81.44 ENGLISH TRANSLATION OF TOURISM LEXEMES INTO UZBEK //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 120.
- 12.Sobirova, Zarnigor Intern-researcher (2020) "LEXICOGRAPHIC INTERPRETATION OF THE TOURISM TERMS IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES," Philology Matters: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 6.DOI: 10.36078/987654466Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss4/6>
- 13.Jumayev, Akmal Akhmatovich (2021) "THE IMAGE OF THE CROW IN THE GERMAN AND UZBEK PEOPLES," Scientific reports of Bukhara State University: Vol. 5 : Iss. 1 , Article 7.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol5/iss1/7>

Интернет манбаалар:

1. <https://maerchen.com/wolf/der-juengling-im-feuer.php>
2. [https://de.wikisource.org/wiki/Seite:Kinder_und_Hausm%C3%A4rchen_\(Grimm\)_1_812_I_348-350.jpg](https://de.wikisource.org/wiki/Seite:Kinder_und_Hausm%C3%A4rchen_(Grimm)_1_812_I_348-350.jpg)
3. <https://www.projekt-gutenberg.org/bechstei/maerche1/chap015.html>
4. https://www.grimmstories.com/de/grimm_maerchen/fitchers_vogel

**“AND THERE WERE NONE” (“ҲЕЧ КИМ ҚОЛМАДИ”) АСАРИДА
ДЕТЕКТИВ ЖАНРИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ**

Ф.Б.Садуллаев
БухДУ, катта ўқитувчи
М.Б.Эргашева
БухДУ, талаба

Abstract: In the following paper literary criticism of the novel “And There Were None”, its characters, setting, symbols, title are discussed.

Key words: detective genre, murder, mystery, Agatha Christie, novel, setting.

Кириш. Агата Кристи ўзининг бир қатор романлари ҳамда хикоялари билан ўтмишдошларининг аъналарини давом эттирган детектив асарлар устасидир. Унинг ижоди бизга XXасрнинг салкам эллик йилини қамраб оладиган давр

МУНДАРИЖА

Зарипов Б.К. Тил – маънавият кўзгуси	3
Хамидов О.Х. Тил – миллат руҳи: тилга оид анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти ..	4
Ҳамраев М.М.	7
Ибрагимова Ф.Б. Учинчи ренессансга қўйилаётган кадамлар илм-фан ютуқлари тимсолида.....	8
Ашуров Шерзод Рахимович ЖАМИЯТ РИВОЖИДА ИҚТИСОД ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ	13
Қаххоров О.С. Чет тилларини янада мукамал ўрганиш устувор йўналишидир.....	14
Ў ШЎЪБА. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. КОРПУС ЛИНГВИСТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ. МЕДИАЛИНГВИСТИКА ВА ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР.....	16
Жўраева М.М. Тилшуносликда модаллик категориясининг функционал-семантик тадқиқи.....	21
Тешабаева Дилфуза Муминовна. Медиалингвистика: медиаматн яратилишида прагматик ёндошув	21
Б.Я.Ахмедов. Об изучении глагольных словосочетаний в узбекской школе	25
Акмал Шерназаров. Икки тиллилик – Қашқадарё тожик фольклорининг локал белгиларидан бири	29
Атабоев Нозимжон. Корпус лингвистикасининг фанлараро мақомига илмий назар...32	32
Эрмирзаев Аббос Вахобжонович. Юқори синфлар ўқувчиларига инглиз тили дарсларида матн ўқишни ўргатишнинг мақсад ва вазифалари	36
Ҳайдаров Анвар Аскарлович. График воситаларда коннотатив маънонинг ифодаланиши	39
Akhmedova Dildora Bakhodirovna, Hamidova Iroda Olimovna. Common and different aspects in a set of commentaries in dictionaries and semantic tags.....	42
Джураева Зулхумор Раджабовна. Партитивные фитонимы в пословичном фонде русского языка	45
Шаходат Усмонова. Медиаматнда антистандарт ва антиэкспрессивлик формуласи: дискурсив таҳлил.....	49
Исмаилова Лайло Хондамировна. Туристтик рекламанинг прагматик жиҳатдан таҳлилий хусусиятларига доир	53
Zubaydullo I. Rasulov. Approaches to the Study of Language and the Implications for Teaching a Second Language and Teaching Literacy.....	58
Заррина Сафармахматова. Паремнология медиа тилининг таъсирчанлигини оширувчи восита сифатида	61
Husniya Zikrillayeva, Duvlaeva Nozigul. Arab va o'zbek tilida sanoq sonlar va ularning sanalmish bilan sintaktik munosabati va atamalarning tarjimai.....	64
Ashurova Dilyaram Umarovna, Duvlaeva Nozigul Imagery allusion as a cognitive structure representing knowledge structures.....	66

<i>Одинаева Нилуфар Лукмоновна.</i> ЛИТЕРАТУРНАЯ КРИТИКА, ЛИТЕРАТУРНЫЕ ПРОЦЕССЫ, НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ И ДУХОВНОСТЬ В ЛИТЕРАТУРЕ.....	614
<i>Ишанкулова Диёра Алловидиновна.</i> ПОИСКИ ПОДЛИННОГО ХАЙЯМА.....	617
<i>Sh.D.Xolova.</i> VIKTOR GYUGO SHE'RIYATIDA FRAZEOLOGIK BIRLIK VA FRAZEMALAR IFODASI.....	625

4-ШЎЪБА. ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ВА ЭЛЕКТРОН ФОЛЬКЛОР.....	629
<i>H. U.Yusupova.</i> ANALYSIS OF FOLKLORE TRANSLATION: UZBEK TALES IN ENGLISH.....	629
<i>М.А.Убайдуллаева.</i> ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ.....	632
<i>М.Х.Ниязова.</i> ОЛҚИШ – СЎЗ СЕҲРИГА ИШОНЧДАН ШАКЛЛАНГАН ЖАНРЛАРДАН БИРИ.....	636
<i>Д.Х.Темирова.</i> ШИРОКОЕ И УЗКОЕ ПОНИМАНИЕ ГРАНИЦ ДЕТСКОГО ИГРОВОГО ФОЛЬКЛОРА.....	639
<i>A.A.Jumaev.</i> Artistic interpretation of night birds in folk tales.....	643
<i>A.A. Jumayev.</i> Artistic interpretation of religious views related to bird feather in uzbek and german fairy tales.	648
<i>Ф.Б.Садуллаев, М.Б.Эргашева.</i> “AND THERE WERE NONE” (“ҲЕЧ КИМ ҚОЛМАДИ”) АСАРИДА ДЕТЕКТИВ ЖАНРИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ДАВОМ ЭТТИРИЛИШИ.....	653
<i>S.H.Akhmedova.</i> CHARACTERISTICS OF HELPERS IN ENGLISH AND UZBEK FAIRY TALES.....	657
<i>A. Ch. Nusratova.</i> SYMBOLISM OF COLOR IN RUSSIAN AND UZBEK FOLK TALES AND ICON PAINTING.....	658
<i>Ф.З. Фаниев.</i> МАСАЛ ЖАНРИ ТАРИХИ ВА УНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ.....	660
<i>Қаюмов Нодир.</i> «АВЕСТО»ДА ХАУМ ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	664
<i>Ўраева Дармоной, Ражабов Дилшод.</i> ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА ИПАКНИНГ ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИ.....	667
<i>Toirova Umida Sobirovna.</i> MAQOLLARDA ZOOSEMIZMNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI TALQINI.....	672
<i>Едгарова Нодира Убайтовна.</i> МИФ И ЕГО ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВОПЛОЩЕНИЕ: КОНЦЕПЦИЯ СУДЬБЫ В ОБРАЗЕ ГЛАВНОЙ ГЕРОИНИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ Л. УЛИЦКОЙ “МЕДЕЯ И ЕЁ ДЕТИ”.....	675